

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ТАРЖИМОНЛИК МАҲОРАТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10334471>

Filol.f.n. **Ergash OCHILOV,**

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti katta ilmiy xodimi, Toshkent, O‘zbekiston

Тел: [+998946204764](tel:+998946204764); E-mail: e-ochilov@mail.ru.

Аннотация. Мақолада Алишер Навоийнинг таржимон сифатидаги фаолияти тўғрисида фикр юритилиб, унинг қаламига мансуб таржималар эркинлик ва ижодийликнинг ажойиб тарздаги омухтаси эканлиги жиҳатидан ҳам таржима, ҳам оригинал асар мақомига эгаллиги кўрсатиб берилади.

Калит сўзлар: таржима, оригинал, тазкира, рубоий, эркин таржима, ижодий таржима, маҳорат.

Аннотация. В статье размышляет о деятельности Алишера Навои как переводчика и показывается, что написанные им переводы имеют статус как переводов, так и оригинальных произведений, поскольку являются прекрасным примером свободы и творчества.

Ключевые слова: перевод, оригинал, тазкира, рубаи, вольный перевод, творческий перевод, мастерство.

Annotation. The article discusses about Alisher Navoi's work as a translator and shows that the translations written by him have the status of both translations and original works, as they are a wonderful example of freedom and creativity.

Key words: translation, original, tazkira, rubai, free translation, creative translation, skill.

Кириш. Серқирра ва сермахсул истеъдод соҳиби бўлган Алишер Навоий бадий таржима билан ҳам фаол шуғулланган. У Абдурахмон Жомийнинг одоб-ахлоққа оид қирқ ҳадиснинг назмий талқинидан иборат бўлган “Чихил ҳадис” (“Қирқ ҳадис”) асарини “Арбаъин” номи остида ўзбек тилига ўгиради. Дўсти ва устозининг 1476–1478 йилларда ўз даъвати билан ёзилган шайху валийлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Нафаҳот-ул-унс мин ҳазарот-ил-қудс” (“Пок зотлар ҳузуридан эсан дўстликнинг хуш ислари”) тазкирасини туркий тилли ўқувчиларни ҳам баҳраманд қилиш мақсадида “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” (“Улуғлик хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шаббодалари”) номи билан таржима қилади. Унинг “Назм ул-жавоҳир” (“Шеърый дурдоналар”) асари ҳам Ҳазрат Али хикматлари асосида

тартиб берилган “Наср ул-лаолий” (“Насрий инжулар”) тўпламидаги ҳикматларнинг шеърий таржимаси асосида яратган рубоийлар мажмуаси ҳисобланади. Яна Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонига “таржума расми била” жавоб ўлароқ “Лисон ут-тайр” достонини битлади. Бу намуналар сўз салтанати соҳибқиронининг таржимавий мероси ҳам салмоқли ва ранг-баранг эканлигидан далолат берди.

Асосий қисм. Алишер Навоий ўзбек таржима адабиётининг ҳам забардаст намояндаларидан бири ҳисобланади. Жумладан, Абдурахмон Жомий асарлари таржимасини ўз даврида айнан у бошлаб берган эди. У устозининг “Нафаҳот ул-унс” тазкираси ва “Чиҳил ҳадис” асарини маҳорат билан ўзбекчалаштиради.

Муҳаммад алайҳиссаломга нисбат бериладиган ҳадисларнинг бирида: “Кимки менинг суннатимга оид қирқ ҳадисни ёдлаб, умматларимга етказса, қиёмат кунида мен уни шафоатимга лойиқ кишилар сафига киргизаман” [3, 828-ҳадис], – деб таъкидланган. Шунга биноан ҳадисларни халқ ичида тарғиб-ташвиқ қилиш ва шу орқали пайғамбар шафоатига эришиш мақсадида кўплаб муҳаддис ва олимлар қирқ ҳадис жам қилиб, уларни шарҳлаганлар. Чунки Оллоҳ расулининг муборак ҳадисларидан ҳеч бўлмаса қирқтасини ўрганиб, уни бошқаларга ўргатиш бу саодатга эришишнинг кафолати бўлган. Кейинчалик бу савобли ишга шоирлар ҳам қўл урганлар. Жумладан, Абдурахмон Жомий одоб-ахлоққа оид қирқ ҳадисни “Чиҳил ҳадис” (“Қирқ ҳадис”) номи билан шеърга солади. Алишер Навоий эса устозининг ижозати ва дуосини олиб, уларни “Арбаъин” номи остида ўзбек тилига таржима қилади. Лекин у аслиятга эркин ёндашиб, қитъаларни эркин таржима қилганидан улар бир пайтнинг ўзида ҳам таржима, ҳам оригинал хусусиятига эга бўлган дейиш мумкин. Жомий аксар қитъаларининг биринчи байтини ўзига хос кириш тарзида тузиб, ўқувчини ҳадис моҳиятини тушунишга тайёрласа, Навоий кўпинча биринчи байтда ҳадис мазмунини талқин қилиб, иккинчи байтда Жомий фикрларини умумлаштириб, ривожлантириб ва тўлдириб ифодалайди. Чунончи, “Ал-жаннату тахта ақдома уммаҳотикум” ҳадисининг маъноси “Жаннат оналарнинг оёғи остида” (ёки “Оналарнинг қадами теккан жой жаннатдир”) бўлиб, Жомий қитъаси она хизматидан бўйин товламаслик, унинг ҳурматини жойига қўйиш ҳақидаги фикр билан бошланади ва инсон бошидаги улуғлик тожи оналар оёғининг гардидан ҳосил бўлиши таъкидланади. Шундан кейин она оёғи остида тупроқ бўлишга даъват қилиниб, ҳадиснинг мазмуни келтирилган ҳолда, жаннат оналарнинг оёғи остида эканлиги айтилади:

Сар зи модар макаш, ки тожи шараф

*Гард аз роҳи модарон бошад.
Хок шав бар пои ў, ки биҳишт
Дар қадамҳои модарон бошад [1,132].*

Навоий эса биринчи байтда ҳадис мазмунига урғу бериб, иккинчи байтда Жомий байтига ҳамоҳанг байт яратади. Бундай дейишимизнинг сабаби Жомий “Онанинг оёғи тупроғи бўлки, жаннат оналарнинг оёғи остидадир” деса, Навоий “Жаннат боғи висолини истар эсанг, оналар оёғи тупроғи бўл” дейди. Шу тариқа, “аслият хусусиятларини ҳамда таржима-шарҳ услубини бирлаштириб, ўзининг қитъасини яратади... Навоий қитъаси мазмунан ўхшаш, аммо ижодий асосида майдонга келган мустақил асарга айланган” [1,132–133].

*Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи тупроғи [4,593].*

Алишер Навоий 1476–1478 йилларда ўз даъвати билан ёзилган Абдурахмон Жомийнинг шайху валийлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Нафаҳот ул-унс” тазкирасидан туркий тилли ўқувчиларни ҳам баҳраманд қилиш мақсадида уни туркийлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Лекин “арабийға вобаста туркий алфоз”да ёзилган “бу китобни турк тилига таржима қила олғаймуман ва ул дақойику мушкilotни равшанроқ алфоз ва очуқроқ адо била ўтқара олғаймуман” [4,91] деган андиша ва тараддудда орадан йигирма йил ўтиб кетади. Ниҳоят, бу катта ва қийин, айни пайтда, хайрли ва шарафли ишни амалга оширади.

Маълумки, ўтмишда таржимага муносабат ҳозирги реалистик таржима принципларидан фарқ қилган: таржима ҳам оригинал ижодга тенг кўрилгани учун таржимонлар аслиятга эркин ёндашганлар – давр талаби, ўқувчилар эҳтиёжи, ўзларининг дид ва қарашлари, эстетик принципларидан келиб чиқиб, унга муайян ўзгартиришлар киритганлар, қисқартирганлар, қўшганлар. Навоий ҳам таржима жараёнида Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”сидан “Нафаҳот ул-унс”да бўлмаган 19 та “кибор машойих” зикрини қўшади. Яна “Ҳинд машойихи” ҳақидаги маълумотлар етарли бўлмаганлиги учун кутб ул-авлиё Шайх Фарид Шакаржанждан тортиб то сўнги машойихгача бўлган 40 дан ортиқ таржимаи ҳолни илова қилади. Аҳмад Яссавийдан то ўзининг замониғача бўлган турк машойихи “зикрларин ва баъзи ҳолоту сўзларин” имкон борича топиб, дарж этади. Жомийнинг ўзини ҳам киритади, юзга яқин етук замондошларини ҳам шунга лойиқ топади. Бугина эмас. Асарни анча-мунча таҳрир қилади, замон аҳлининг унча эҳтиёжи бўлмаган 60 та таржимаи ҳолни қисқартиради, баъзи ўринларни эса тўлдиради,

214 та шайх ҳаёти ҳақидаги маълумотларни қўшади [6,157–182]. Бу ўзгаришлар натижасида “валоят риёзи муҳаббат шамимиға сабаб” бўлгани учун таржимани “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” (“Улуғлик хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шаббодалари”) номи билан зийнатлайди [4,91]. Шу тариқа, “Нафаҳот ул-унс”да 616 та шайх ул-машойих ҳақида маълумот берилган бўлса, “Насойим ул-муҳаббат”да улар сони 770 тага етади.

Ўзбек таржимашунослигида “Насойим ул-муҳаббат” “Нафаҳот ул-унс”га қиёсан ўрганилмаган. Ҳолбуки, бундай тадқиқот ниҳоятда муҳим. Ўшанда асарнинг қанчаси таржимаю қанчаси оригинал эканлиги ойдинлашар ва мутаржимнинг таржима асосида деярли янги асар яратгани ва ҳақли равишда муаллифлик ҳуқуқига эгаллиги илмий асосланар эди. Бунга Ҳофиз Шерозий ҳақидаги мўъжаз бир мақолача қиёси мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин:

“Вай лисон ул-ғайб ва таржимон ул-асрор аст. Басо асрори ғайбия ва маонийи ҳақиқия, ки дар қисвати сурат ва либоси мажоз боз намудааст, ҳарчанд ки маълум нест, ки вай дасти иродати пире гирифта ва дар тасаввуф ба яке аз ин тоифа нисбат дуруст карда, аммо суҳанони вай чунон бар машраби ин тоифа воқеъ шуда, ки ҳеч касро ин иттифоқ наяфтод” [2,753].

Таржимаси: “Алар лисон ул-ғайб ва таржумон ул-асрордурлар. Басо асрори ғайбия ва маонийи ҳақиқияки, сурат қисватида ва мажоз либосида адо қилибдурлар. Агарчи маълум эмаски, алар иродат илики бир пирга бермиш бўлғайлар ва тасаввуф тариқида бу тоифадин бирига нисбат дуруст қилмиш бўлғайлар. Аммо сўзлари андоқ бу тоифа машраби била мувофиқ воқеъ бўлубдурки, ҳеч кишига андоқ иттифоқ тушмайдур” [4,493].

Кўриниб турибдики, ўзгартириш, қисқартириш ва тўлдириш қилинмаган ўринларда таржима аслиятга деярли сўзма-сўз мувофиқ. Лекин Жомийнинг умумий маълумот бериш билан кифоялангани Навоийни қониқтирмайди ва шоир ижодининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, бадий юксаклиги сабабларини очиб берувчи қуйидаги парчани қўшади – бу Ҳофиз меросига берилган холис ва теран илмий баҳо эканлиги билан муҳим аҳамият касб этади:

“Доғи алфоз латифлиғи ва таркиб покизалиғи ва равонлиғи ва адо салосати ва латофати ва маъно ғариблиғи чошнисидин худ аларни таъриф қилмоқ ҳаёт суйин жонбахшлиққа таъриф қилғондек бўлғай”. Яна бир жумла таржима кетади: “Яке аз азизони силсилаи хожагон, қаддасалоҳу таоло асрораҳум. фармудааст, ки: “Ҳеч девон беҳ аз девони Ҳофиз нест, агар марди сўфий бошад”. “Хожалар, қаддасаллоҳу таоло асрораҳум, силсиласидин азизе

дебдурки: “Ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса”.

Шундан кейин мазкур фикрларни ривожлантирувчи ва тўлдирувчи яна бир таъриф келтирилади:

“Бу фақирга андоқ маълум бўлубдур ва машҳур мундоқдурки, Ҳазрати Мир Қосим, қаддасаллоҳу сирраҳу, аларнинг девонини “Қуръони форсий” дер эмишларки, Каломуллоҳ оёти маонийсидин мамлу ва асрору нукотидин машҳурдир”.

Ниҳоят, мақолачани мутаржим муаллиф сўзлари билан якунлайди: “Ва чун ашъори вай аз он машҳуртараст, ки ба эрод эҳтиёж дошта бошад, ложарам инони қалам аз он масруф мегардад. Ва вафоти вай дар санаи иснайн ва тасъина ва сабъимиатин (соли 792) будааст, раҳимахуллоҳу таоло”.

“Чун аларнинг ашъори маорифнигори андин машҳурроқдурки, иродга эҳтиёж бўлғай. Ҳар ойина қалам инони андин масруф қилинди, Алар етти юз тўқсон иккида оламдин ўтубдурлар”.

Маълум бўладики, “Нафаҳот ул-унс”даги Ҳофиз ҳақидаги маълумотлар Жомийнинг ўзигагина тегишли бўлса, “Насойим ул-муҳаббат”даги фикрлар ҳам Жомийга, ҳам Навоийга тегишли – Навоий уни шоир ижодини характерлайдиган баҳо-хулосалар билан бойитган. Бундай фикрни барча таржимаи ҳоллар ҳақида айтиш мумкин. Жумладан, Низомий ҳақидаги маълумотларни тўла таржима қилиб, фақат охириги абзацни у агар қирқ арбаъин чиқармаганида “Хамса”дай мўъжиза даражасидаги муаззам асарни яратолмаслиги ҳақидаги фикру хулосалари билан бойитиб таржима қилади:

“Таърихи итмоми “Искандарнома”, ки охири китобҳои вай аст, санаи иснайн ва тисъинава хамсимиатин (соли 592) будааст, ки умри вай дар он вақт аз шаст гузашта буда, раҳимахуллоҳуу субҳонаҳу” [2,748].

Мазмуни: “Унинг сўнгги китобларидан бўлган “Искандарнома”нинг ёзилиши санаси иснайн ва тисъинава хамсимиатин (592) бўлиб, бу фурсатда унинг ёши олтмишдан ошган эди, раҳимахуллоҳуу субҳонаҳу”.

Алишер Навоий таржимаси: «Искандарнома» тарихики, аларнинг китобларининг охиридур, беш юз тўқсон иккида экандур. Машҳур мундоқдурки, алар сулук айёмида қирқ арбаъин чиқарибдурлар ва тўрт арбаъинни бир дарахт устида чиқарибдурлар. Ҳар ойина бу навъ муфрит риёзатлар тортмағунча бу навъ беш ганжки, аларга насиб бўлубдурки, кўп абъёти алфоз жазолатидин ва маъною таркиб салосатидин деса бўлурки, эъжоз сарҳадига етибдур, кишининг илкига кирмак имкон эмас ва умрлари олтмишдин ўтган экандур, валлоҳу аълам» [4, 485].

Мутаржим аслиятдаги биринчи гапни арабча жумлани қисқартирган ҳолда тўла таржима қилади. Шундан кейин ўзининг қирқ арбаъин чиқармагунча бадиият дурдонаси бўлмиш бундай асарни яролмаслиги ҳақидаги фикрини келтириб, кейин иккинчи гапни таржима қилиб кетади.

Таржимага оригинал асар ва ижодий иш деб қаралган ўтмиш таржима амалиётида бу одатий ҳодиса. Биз ижодийлик ва эркинлик омухтаси бўлган бундай таржима усулини деярли барча ўтмиш таржимонларида кўрамиз.

Ҳаким Санойӣ, Фаридиддин Аттор, Фаҳриддин Ироқий, Ҳоконий Ширвоний ҳақидаги мақолачаларнинг ҳам ўзи муҳим деб ҳисобламаган катта-катта қисмларини таржима жараёнида қисқартириб кетади. Ҳасан Деҳлавий ижодидан келтирилган икки рубоидан бирини тушириб қолдиради ва ҳоказо.

Ўша давр адабий тилида форс ва араб сўзлари фаол истеъмолда бўлгани учунми, Навоий таржималари деярли сўзма-сўз аслиятга мувофиқ чиқади. Масалан: “Аз афозили сўфия буд” [2,738] – “Сўфиянинг афозилидин эрмиш” [4,475]. Ёки: “Аз улум баҳраи тамом дошта ва аз одоб насиби комил” [2,738] – “Улумдин тамом баҳраси бор эрмиш ва одобдин комил насиби” [4,475]. Бундай иборалар ўша давр ўқувчиси учун тушунарли бўлган. Ҳозирги тилга эса Саъдий таърифидаги бу ибораларни “Тасаввуф тариқатининг етук намояндаларидан бири эди” ва “барча фанлардан хабардор ва гўзал ахлоқ соҳиби эди” тарзида таржима қилган бўлар эдик.

Келтирилган мисоллар таҳлили Навоийнинг Жомий асарига бир пайтнинг ўзида ҳам эркин, ҳам ижодий муносабатда бўлганлигини кўрсатади: эркинлиги – таржимага оригинал асар каби муносабатда бўлиб, кўплаб ўзгаришлар қилганида бўлса, ижодийлиги – устози фикрларини аслига мувофиқ таржима қилганида.

Алишер Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир” (“Шеърӣ дурдоналар”) асари ҳам Ҳазрат Али ҳикматлари асосида тартиб берилган “Наср ул-лаолий” (“Насрий инжулар”) тўпламидаги ҳикматларнинг шеърӣ таржимаси асосида яратган рубоийлар мажмуаси (1485) ҳисобланади [4,30–86].

Ҳазрат Алининг ҳикматли сўзлари дастлаб араб тилида “Қаломӣ амир ал-мўминин Али” номи билан жамланган. Кейин Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз (вафоти – 868/70) уларни саралаб, “Мухтасар ҳикматлар” мажмуасини тузган. Шариф ар-Розий эса (X аср) Ҳазрат Али ҳикматларини “Наҳж ул-балоға” (“Балоғат йўли”) номи билан яхлит ҳолга келтиради – ундан 498 та ҳикмат ўрин олган. Рашидиддин Ватвот Ал-Жоҳиз тўпламини “Наср ул-лаолий” ёки “Сад калима” (“Юз калима”) номи билан форс тилига таржима қилади – унда ҳикматларнинг аслияти, форсий таржимаси ва назмий талқини келтирилган.

“Наср ул-лаолий” асосида кўплаб асарлар яратилган. Улар орасида “Назм ул-жавоҳир” ўзига хос тузилиши, мазмун-мундарижасининг кенг ва ранг-баранглиги, бадий мукамаллиги билан ажралиб туради. Алишер Навоий Ал-Жоҳиз тўпламидан 268 та ҳикматни танлаб олиб, рубоий шаклида шеърга солади. Албатта, у Рашидиддин Ватвот мажмуасидан ҳам таъсирланган. Форсийда шеърга солинган бу ҳикматларни мен ҳам туркий тилда назм риштасига тизиб, туркий халқларни баҳраманд этсам деган орзуим бор, дейди унинг ўзи бу ҳақда асар муқаддимасида.

“Назм ул-жавоҳир”нинг яратилишига 3 сабаб кўрсатилади: биринчиси – Ҳазрат Алининг дурдона ҳикматларини шеърга солиш анъанасини давом эттириш ҳаваси, иккинчиси – Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳақидаги “Рисола”сига жавобан муносиб туҳфа ҳозирлаш нияти, учинчиси – Балхда Ҳазрат Али қабрининг қайта топилиши (1481–82) ва уни бориб таҳқиқ қилиш муносабати билан Ҳазрат Али шахсига азалдан ҳурмати ва ихлоси баланд бўлган Алишер Навоийнинг унинг ҳикматларига қизиқишининг ортиши. Бу сабабларнинг бири унда ният туғдирган, иккинчиси илҳом берган, учинчиси туртки бўлган.

“Назм ул-жавоҳир” 2 қисмдан иборат: муқаддима ва рубоийлар. Муқаддимада Оллоҳ ҳамди, Муҳаммад а.с. наъти, чорёрлар таърифи келтирилиб, сўз ва унинг мартабалари – аъло (юксак), авсат (ўрта) ва адно (тубан) ва хусусиятлари, асарнинг ёзилиш сабаби ва вақти кўрсатилган. Фикрларининг ифодаси ва тасдиғи учун шоир муқаддимада 30 та рубоий келтирган. Бинобарин, “Назм ул-жавоҳир” 298 та рубоийдан иборат. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, бу рубоийларнинг барчаси ҳар тўртала мисраси ўзаро қофияланадиган таронаи рубоийдир. Алишер Навоийнинг ўзи бундай рубоийларни рубоия деб атайди.

Албатта, Алишер Навоий Ҳазрат Али ҳикматлари орасидан ислом динининг инсонпарварлик ғоялари инъикоси бўлган ва тасаввуф таълимотининг маънавий камолот масалалари билан боғлиқ жиҳатларига уйғун, айти пайтда ўзининг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий қарашларига мос намуналарни танлаб олиб, уларда илгари сурилган фикрларни давом эттирган ва ривожлантирган. Бу рубоийлар асосан тасаввуфий руҳда бўлиб, уларда инсон тарбияси асосий мақсад қилиб олингани бежиз эмас. Ҳазрат Али ҳикматлари Алишер Навоий қалами қудрати билан янада теранлашиб, уларнинг янги қирралари кашф этилган, ривожлантирилган, умуминсоний ғоялар билан бойитилган, бадий юксакликка кўтарилиб, янги ва ўзига хос мазмун-моҳият касб этиб, ҳар бири мустақил асарга айланган. Алишер Навоий назмга солиш билан бу ҳикматларга иккинчи ҳаёт бағишлаган.

Бу рубоийлар Ҳазрат Али ҳикматларининг кенгайтирилган таржимаси ёки шеърий изоҳигина эмас, балки улар асосида яратилган оригинал асарлардир. Чунки Алишер Навоий Ҳазрат Али ҳикматларини дастлаб бир-икки мисрада шарҳлаб, кейин уларнинг янги қирраларини очади, шу мавзудаги ўзининг фикру қарашлари билан бойитади ёки аввал ўзининг айна мавзудаги мулоҳазаларини баён қилиб, уларни Ҳазрат Али ҳикматлари билан тасдиқлайди, қувватлайди, ривожлантиради. Масалан, қуйидаги рубоий “Яъс ул-қалби роҳат ун нафси” – “Қалб маъюслиги – жон роҳатидир” ҳикмати асосида яратилган бўлиб, бу фикр биринчи мисрада баён қилиниб, кейинги уч мисрада бу фикр ривожлантирилади ва тўлдирилади:

*Истар эсанг осудалиқ иш тажрид эт,
 Фақр ичра ўзунгни мойили тафрид эт,
 Кўнглунгни замон баҳрасидин навмид эт,
 Нафсингга бу ишни соҳиби жовид эт [4,85].*

Тажрид ва тафрид дунёдан узилиш ва одамлардан четлашиш дегани. Бинобарин, рубоийнинг мазмуни қуйидагича: “Агар хотиржам бўлишни истасанг, дунёвий боғлиқликларни тарк эт, фақр йўлига кириб, одамлардан ўзингни хилватга ол, кўнглингни замон ғаму ташвишларидан халос қилиб, буни нафсингнинг доимий машғулотига айлантир”.

Мана бу рубоий эса “Батн ул-маръи адуввуху” – “Кишининг қорни душманидир” ҳикматига асосланган бўлиб, шоир бу борадаги фикрларини баён қилиб, ўз мулоҳазаларини айна ҳикмат билан тасдиқлайди:

*Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
 Билгилки, нажосатқа тани маскандур,
 Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур,
 Невчунки, эр ўғлига қорин душмандур [4,44].*

Алишер Навоийнинг Фаридиддин Атторга ихлос-эътиқоди баланд бўлиб, беш ёшида унинг “Мантиқ ут-тайр” достонини ёд олгани, бир умр унинг ижодидан таъсирланиб, ҳаётининг сўнггида унга “таржума расми била” жавоб айтгани – “Лисон ут-тайр” достонини яратгани маълум. Султонмурод Олим бу асарни татаббу-таржима деб баҳолайди. Чунки шоирнинг ўзи бунда “таржума расми била” жавоб айтганини алоҳида таъкидлайди, яъни бу “асарда назиравийлик хусусияти таржимавийлик хусусияти билан уйғунлашиб кетган” [5,18].

Хулоса. Алишер Навоий қаламига мансуб таржималар таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Алишер Навоийнинг ўзбек таржима адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси ҳам салмоқли ва ранг-барангдир.

2. Алишер Навоий таржимага оригинал асар сифатида муносабатда бўлиб, уларни қисқартирган, ўзгартирган, ҳар бир таржимага ўзидан қўшган – муаллиф ва мутаржимнинг деярли тенг улушдаги меҳнати натижаси ўлароқ эркинлик ва ижодийлик омухтаси бўлган бу таржималар ҳақли равишда ҳам таржима, ҳам оригинал асар мақомига эга.

3. Алишер Навоийнинг таржимага муносабати, таржималарининг аслиятга нисбати, таржима қилиш принциплари, сўз қўллаш маҳоратини ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганиш ўзбек таржимашунослигининг кун тартибида турган муҳим масалалардан ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):

- [1] Валихўжаев Б. “Арбаъин ҳадис” ва унинг таржималари \ \ Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. – Т.: Фан, 1993.
- [2] Жомий А. Нафаҳот-ул-унс мин ҳазарот-ил-қудс. – Д., 2013.
- [3] Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. – Т., 1991.
- [4] Навоий А. Тўла асарлар тўплами, 10 жилдлик, 10-жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
- [5] Олим С. “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр” қиёсига доир \ \ “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2011, № 4-сон.
- [6] Рамазонов Н. “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир \ \ Навоийнинг ижод олами. – Т.: Фан, 2001.

